

Навбатдаги сайёр қабул “Нурли диёр” махалласида бўлиб ўтди



Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров ҳафталик иш режасига мувофиқ навбатдаги сайёр қабулини 1-Сектор худудида жойлашган “Нурли диёр” махалласида ўтказди. Қабулда туман Халқ қабулхонаси мудири, тумандан сайланган вилоят Кенгashi депутати, алоқадор корхона ташкилотлар раҳбарлари ҳамда 20 дан ортиқ фуқаролар иштирок этишди.

Фуқаролар томонидан кўтарилиган ҳар бир масала шу ернинг ўзида тегишли масъул билан бирга кўриб чиқилди. Келиб тушган мурожаатларнинг бир қанчаси қабул давомида ўзининг ижобий ечимини топди. Айрим мурожаатларга ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган б 6 та мурожаат масъулларга йўналтирилиб, ижроси 1-Сектор штаби томонидан назоратга олинди.